



ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажакимиз", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Кейинги икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар "ёпиқ мавзу" бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда очик-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

– Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12–15 фоиз ёки 4–5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу улари бир кунлик даромади 10–13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилда машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоиз уни даволатишга кетади. Ҳўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, доволаниши, болаларини ўқитиши, қийинчилиги каби ҳаётини яхшилашга қаратилган кампанияни бошлаш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги Фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Шунингдек, куни кеча Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

– Камбағалликни камайтириш олий ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли доволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳолини таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол,

яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузилиши белгиланди.

– Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечирishi учун барча шароитларни яратишимиз зарур, – деди Президент.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур инфратузилма яратиш учун Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгаллик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқлатиши, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳокимлар билан биргаликда янги кичик саноат зоналари учун бўш ер майдонларини аниқлаб, инфратузилма билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни камбағал аҳолига ажратиб бериш, зарур жойларда артезиан ва қудуқлар қазиб бўйича топшириқ берилди.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори.

Шу билан бирга, буғунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд.

Йиғилишда шу каби талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ўқиш якуни бўйича Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан танлов эълон қилиниб, энг илғор лойиҳа учун "стартап"га 20 миллион сўм миқдорига грант ажратилади. Ҳокимлар ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар беради.

Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз аёллар ва кўп-фарзандли аёллар, ишсизлар учун қундалик ҳаётида эҳтиёж юқори бўлган хунарлар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Бунинг учун маҳалла идоралари ёки ҳудуддаги бинолардан жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури"ни ишлаб чиқиб, талабдорлар рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

Қатор ҳудудларда касбга ўқитиш борасидаги ишлар кескин танқид қилинди. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг 11 туманида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида 9 тадан, Сурхондарёнинг 7, Жиззахнинг 5 тумани-

да бирорта ҳам бундай марказлар йўқлиги қайд этилди.

Касбга тайёрлаш марказларини ташкил этишга нодавлат ташкилотларни фаол жалб қилиш, улар ўртасида энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан грант ажратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳар бир ҳудудда "Ишга мармахат" моно-марказлари ҳамда касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиб, ишсизларга касбий билим ва кўникмалар, шунингдек, эҳтиёжга қараб хорижий тилларни ҳам ўргатиш вазифаси юклатилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда tutувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланди. Шунингдек, камбағал қишини ишга олган корхоналарга банк кредитлари бўйича қулайликлар берилиши қайд этилди.

Ахборот технологиялари соҳаси бир томондан бизнесга қўмаклашувчи восита, иккинчи томондан бизнеснинг алоҳида йўналишидир. Шу боис, ўзини ўзи банд қилишни хоҳловчиларга тушунарли бўлган интерактив мобиль иловалар, барча саволларга жавоб берадиган "бизнес навигатор"лар яратиш зарур.

Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига тижорат банклари билан бирга содда тилда тайёр бизнес лойиҳалар ишлаб чиқиб, одамларга тақлиф этиш бўйича кўрсатма берилди. Бу бизнес лойиҳаларда харажат ва даромад билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳсулот миқдори каби масалалар "ипидан-игнасиғача" аниқ бўлади.

Ушбу лойиҳалар ҳақида жойлардаги мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг барча қатламига маълумот етказиш кераклиги қайд этилди.

Савдо-кўнгилочар марказларни кўпайтириш ҳамда кўчма савдони ривожлантириш, бу борадаги ортиқча чекловларни олиб ташлаш бўйича тақлифлар билдирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси ҳамда Бош вазир қабулхоналари давлат ва тадбиркор ўртасидаги "кўприк" вазифасини бажариши, тадбиркорлик ташаббусларининг амалга ошишига ҳар томонлама қўмаклашиши шартлиги таъкидланди.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб иқтисодий комплекс идоралари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими ҳамда Ҳудудларда тадбиркорлик ривожланиши индекси жорий этилмоқда. Аҳоли ўртасида очик ва яширин сўровлар ўтказиш орқали уларнинг иқтисодий комплекс ташкилотларига бўлган муносабати ўрганиб борилади. Натижаларга қараб, муайян ҳудуддаги иқтисодий комплекс раҳбарлари фаолияти "намунали", "яхши", "қониқарли" ва "қониқарсиз" деб топилади. Ижобий баҳоланганлар рағбатлантирилади ва паст баҳо олганларга ҳазо чоралари қўрилади. Баҳолаш натижалари бир йилда икки мартада Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ва ҳукуматда муҳокама қилинади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

УЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақирилиш муддатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақирuvi резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳафсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мактабга таълим қамровининг ошиши, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг жорий қилиниши ҳамда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш қўламининг кенгайиши муносабати билан юқори малакали мутахассисларга нисбатан юзага келаётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда педагог кадрлар тайёрлашга иқтисодлашган 1 та хорижий ва 4 та маҳаллий олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди, мазкур таълим соҳаси бўйича хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари аввало таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни қўйишнинг, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўлувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуқсиз тизимини жорий қилиш;

педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда)

Шарҳ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўзда тутилган аниқликлар, унинг аҳамияти ва зарурати нима, деган савол кўпчилиكنи қизиқтирмоқда. Бойси, молиявий ҳисоботлар салкам 30 йилдан бундан миллий стандартлар асосида юритиб келинган, ҳеч қандай қийинчилик бўлмадик-ку, деб ўйлашимиз табиий.

Шундай экан, аввало, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХ) деганда нима тушунилади ва унинг қандай афзалликлари борлиги тўғрисида қисқача бўхтариб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий

қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни, оддий мисол тариқасида келтирсак, бу хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотларнинг (компания, корпорация, акциядорлик жамиятлари) акциялари, қимматли қоғозлари ва бошқа турдаги инвестиция жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истикболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

Биз учун афзаллиги эса мам-

лакатимиздаги йирик корхоналарга халқаро молия бозорларида иштирок этиш имкони яратилади. Масалан, республикаимиздаги йирик корхоналарнинг чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари томонидан уларнинг акция ва облигацияларини сотиб олиши аэвазига ушбу корхоналарга инвестиция киритиш, пировардида корхонани ривожлантириш натижасида Давлат бюджетига тушум-нинг ошишига олиб келади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – ЛИТВА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

Литва Сейми спикерининг ўринбосари Ирена Шяулене бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Делегация аъзолари 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алиханов билан учрашди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий соҳаларни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада қўлайитириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хорижий давлатлар парламентлари билан алоқаларни қўлайитириш устида иш олиб бормоқда. Хусусан, парламентлараро дўстлик гуруҳлари, фаолияти бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон – Литва парламентлараро ҳамкорлиги ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Сўхбат аввалида меҳмонларга мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар юзасидан маъ-

лумот берилди. Қонунчиликдаги янгиликлар, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, экологик барқарорлиқни таъминлаш йўналишларида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистон парламентидаги ўтган йили бўлиб ўтган сайловлар, унинг натижалари алоҳида эътироф этилди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Литва ўртасида 33 та ҳужжат имзоланган бўлиб, улар икки мамлакат алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Учрашувда томонлар парламентлараро ҳамкорлик истикболлари, савдо, инвестиция, соғлиқни сақлаш, инновация ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни мустахкамлаш масалаларини муҳокама қилишди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истикболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустақам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

юксак маданият, амалий касбий қўниқмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнида самарадорлигини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ўқув дастурлари ҳажмини инобатга олган ҳолда олий маълумотли педагог мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптимallashtiriш мақсадида педагогик таълим соҳасининг айрим таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни ўқитиш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари доирасида амалга ошириш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

3. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш ўқитиш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари асосида амалга ошириладиган педагогик таълим соҳасининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари бўйича иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Барча таълим муассасаларига замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қодир бўлган профессионал педагог кадрларни етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мақтабча таълим вазирлиги;

2020 йил 1 апрелга қадар педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнида абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича муҳокама натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

5. Худудларда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, таълим соҳаси учун мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

Самарқанд давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Самарқанд давлат университетининг Педагогика институти;

Андижон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Андижон давлат университетининг Педагогика институти;

Бухоро давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Бухоро давлат университетининг Педагогика институти;

тратура мутахассисликлари негизда Бухоро давлат университети Педагогика институти;

Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали ҳамда Термиз давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Термиз давлат университетининг Педагогика институти;

Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали ҳамда Қарши давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Қарши давлат университетининг Педагогика институти ташкил этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 5-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагогика институти;

фаолиятини молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, етмаган қисми олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; мақоми бўйича маҳаллий олий таълим муассасаси филиалига тенглаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ой муддатда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган педагогика институти фаолиятини ташкил этиш;

уч ой муддатда Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. Тошкент давлат педагогика университетига мунтазам илмий-педагогик фаолият билан машғул бўлган, юқори малакали, тегишли соҳада чуқур касбий билим ва ютуқларга эришган ходимларга педагогика ва ўқитиш методикаси ихтисосликлари бўйича доцент ва профессор илмий унвонлари бериш ҳуқуқи берилсин.

9. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) қуйидаги механизмлар жорий этилсин: тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан халқ таълими ва мактабча таълим соҳаларида олий маълумотли педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлган худудлар бўйича давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини шакллантириш;

тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасасида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан олий таълим соҳасида профессионал педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлган худудлар бўйича салоҳиятли олий таълим муассасалари магистратурасига давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини шакллантириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мақтабча таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ўқишга мақсадли қабул қилинган талабалар билан тегишли қабул йилининг 1 декабрь кунига қадар мазкур банднинг "а" кичик бандида назарда тутилган мажбуриятларни акс эттирган шартномалар расмийлаштирилиши таъминласин;

в) дастлабки босқичда Тошкент давлат педагогика университетида ўқув жараёни ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилган ҳолда таълимнинг кредит-модуль тизими асосида ташкил этилсин;

г) педагогик фаолиятда умумтаълим фанлари муҳим ўрин тутганини инобатга олган ҳолда алоҳида иқтидор талаб этиладиган педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда мажбурий ўрта – она тили (Ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи

фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартиби жорий қилинсин. Бунда, қоида тариқасида, мажбурий ўрта фан бўйича тест синовлари касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари эълон қилинганидан сўнг ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Республика илмий-педагогика кутубхонаси фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида унинг негизинда Республика педагогик таълим ресурс марказини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида мазмун жиҳатидан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тизимини йўлга қўйсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда педагогик амалиёт даврида талабаларга дарс беришлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилиши таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги И.У.Маджидов – ташкил этилаётган педагогика институти фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарурий чоралар қўрсин, барча олий таълим муассасаларида педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида ўқув жараёни таълимнинг кредит-модуль тизими асосида йўлга қўйилиши ҳамда ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тизими жорий этилиши таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов, Бухоро вилояти ҳокими У.И.Барноев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов – худудларда ташкил этилаётган педагогика институти фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда ҳар томонлама қўмаклашсинлар;

масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари – мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан зарур чоралар қўрсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.Қ.Қўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси раиси В.Б.А.Д.Халдаев – ўшбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 февраль

ЎЗБЕКИСТОН – ЛИТВА
ПАРЛАМЕНТЛАРАРО
ҲАМКОРЛИГИ
КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Келгусида парламентлар ҳамкорлиги бўйича гуруҳлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилади. Хусусан, 2013 йилда Литва Сеймида ташкил этилган Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Литва парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ фаолият олиб бормоқда.

– Литва – Ўзбекистон ҳамкорлиги кейинги йилларда изчил ривожланмоқда, – деди Литва Сейми спикери ўринбосари Ирена Шулене. – Бу ҳамкорликни мустақамлашда парламентлараро алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Учрашувда биз нафақат қонун ижодкорлиги бўйича, балки парламент қўмиталари билан муносабатларни янада мустақамлаш юзасидан фикр алмашдик. Шу ўринда таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил йўлга қўйлаётганини қайд этиш жоиз. Делегациямиз ташриф доира-

сида "Таълим ва карьера" халқаро кўргазмасида иштирок этди. Шунингдек, Литва ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўртасида меморандумлар имзоланди. Биз экология, атроф-муҳити муҳофаза қилиш соҳаларида ҳам ўзаро алоқаларни кенгайтириш ниятидамиз.

Делегация аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни юқори баҳолаш, Президентимизнинг барча соҳаларни қамраб олган оқилона стратегиясини алоҳида эътироф этди.

Учрашувда савдо-иқтисодий муносабатларни янги босқичга кўтариш, маданий-гуманитар ва парламентлараро алоқаларни мустақамлашда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш масалалари хусусида алоқаларни кенгайтириш ниятида.

Литва делегацияси, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, икки томонлама музокаралар ўтказди.

Н.НАСРИЕВ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ
АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг мазкур қарорига биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига ўтиши белгиланган.

Албатта, ҳар қандай ислохотнинг тўғри, ўз вақтида юритилиши кадрлар масаласига, уларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг қарориди МХХС бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, бу борада энг асосийси, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчиларини 2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертифицирлаш доирасида "МХХС бўйича молиявий ҳисобот" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд "Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)", "Сертификатланган дипломи бухгалтер (ACCA)", "Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)" ва "Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DiplFR)" сертификатларидан бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МХХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлаш масаласидир. Ана шу ўта залворли ва ҳал қилувчи масала ҳал

этилса, қўйлаётган вазифа сифатли ууддаланади.

Шунингдек, молиявий ҳисоботни иқтиёрий равишда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралади.

Мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига киритиш учун ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш, бюджет барқарорлиги, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатдорлигини таъминлаш, бунинг учун эса, чет эл инвестицияларини кўпроқ киритиш муҳим роль ўйнайди.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори қорхоналаримизнинг жаҳон бозорларидан ўз ўрнига эга бўлиши учун мустақам замин яратди.

Мақсуд ҚУРБОНБОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



● Бугун Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий тараққиётига оид бир нечта долзарб масалалар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, сенаторлар Вазирлар Маҳкамасига қўндалик ҳаётимизда учраётган бир қатор муаммолар юзасидан парламент сўровини юборишга оид масалаларни ҳам кўриб чиқди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Анор" тезкор тўлов тизимини ишлаб чиқди. Ушбу тизим реал вақт режимида, туну кун, дам олиш ва байрам кунларида узилтиларсиз юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар ўртасида банклараро ўтказмаларни амалга ошириш имконини беради. "Анор" тизими электрон рақамли имзодан фойдаланувчи web-сервис технологияларига асосланган бўлиб, масофали банк хизматларидан фойдаланиб, тўловчиларнинг тўлов йўл-йўриқлари асосида банклараро тўловларни амалга ошириш имконини беради. Тизимнинг ишлаб чиқарувчиси 2020 йилнинг март ойигача "Анор" тизимига барча маҳаллий банкларни босқичма-босқич улашни режалаштирмоқда.

● Туркиянинг "Ronesans Holding" компанияси Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида 4,1 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар киритади. "Ronesans Holding" ва "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятини модернизация қилиш ва ривожлантиришга 630 миллион евро, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида 4,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш, шунингдек, шифохоналар ва савдо марказларини қуриш бўйича умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишувларга эришилди.

● Самарқанд шаҳрида Австрия Республикаси ва Самарқанд вилояти ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ўтказилди. Унда Самарқанд вилоятининг иқтисодий салоҳияти, мавжуд ресурслар тўғрисидаги тақдирот намойиш этилди. Шундан сўнг Австриядан келган 30 дан ортиқ компания вакиллари қурилиш, туризм, нефть-кимё, гўшт ва сутни қайта ишлаш, темир йўл, иситиш ва совутиш тизимлари, автомобиллар учун эҳтиёт қисملар тайёрлаш, қўғоз ишлаб чиқариш, гидроэлектр станциялари учун ускуналар, канализация ва чиқиндиларни тозалаш ва қайта ишлаш, тиббиёт ва бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш учун ўз хизматларини таклиф этди.

● Андижон давлат университетида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида "Agro Expo Andijan 2020" инновацион гоғлар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги инновацион гоғ, лойиҳа ва технологияларни қўллаб-қувватлаш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатдорлигини ошириш мақсадида ташкил этилди.

● Қарши шаҳри аҳолисига тезкор, шаффоф ва қулай хизмат кўрсатувчи, замонавий, ўзига хос интерьер ва дизайнга эга Давлат хизматлари маркази фойдаланишга топширилди. Давлат хизматлари маркази учун ажратилган умумий ер майдони 1 минг 800 квадрат метр бўлиб, бу республика миқёсидаги энг катта бинолардан ҳисобланади. Бинонинг ташқи қўрилиши ҳам, унинг ички дизайни ҳам ўзгача услубда жиҳозланган.



● Американин "Uber" ва Жанубий Кореянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи "Hyundai" компаниялари Лас-Вегасда Consumer Electronics Show 2020 электроника кўргазмасида учар автомобиль концептини тақдир этишди. У қўрилишидан энгил вертолётга ўхшайди ва аэромобил вертикаль учиш ва қўниш тизимига эга. Электр двигателлар соатига 320 километр тегишда ҳаракатланиш имконини беради. Аэромобил бир марта қувватланганда 100 километр масофага ўрттагача йўловчи ташини мумкин. Илк аэромобиллардан ҳаводаги такси учун фойдаланилади. Тижорат мақсадида йўловчилар ташиш 2023 йилга режалаштирилмоқда.

● Коронавирус касаллиги 30 дан ортиқ давлатда тарқалган бўлсада, Туркия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, ушбу мамлакатда бирорта ҳам коронавируснинг юқиши ҳолати қайд этилмаган. Қўшни Эронда ушбу касалликнинг қўнайиб бораётганлиги сабабли Туркияда қатъий хавфсизлик чоралари қўрилмоқда.

● Қатар чўмилиш ҳавзалари соҳилларида қаттиқтаралар галасининг хуружи катта муаммоларни келтириб чиқарди.

Хуш келибсан ўлкамга баҳор

Мана, ниҳоят кўнгилларни интиқ қилиб соғинтирган баҳор фасли, кўклам нафаси яна юртимизга ташриф буюряпти. Қуёш заррин нурларини замин узра таратар экан бутун борлиқни уйқудан уйғотиб, диёримизга баҳор тароватини, насимларини шодлиқлар ила олиб келаётгандай таассурот қолдиради. Яқин кунларда она табият яшиллик оламига бурканади. Яшариш ва янгилиниш фаслининг гултожи бўлган Наврўзи олам ҳам қутлуг қадамларида, гўзал қадриятларимизни қадрлаб кириб келади.

СЕН ШУНДАЙ КЎРКАМСАН, КЎКЛАМОЙ ФАСЛИМ

Яқини ўйлар эзуликка чорлайди – деганларидек ҳис фаслининг совуқ аёзлари, ёққан қорлари мўл-кўл ҳосил этиштирилишига далолатдир. Баҳор яратиб, янгилиниш, яшатиш, кўкалмзорлаштириш ва ободонлаштириш фасли ҳисобланади.

“Бу йил ҳосилимиз янада мўл бўлсин, далаларимиз дон-дўнга тўлсин”, дея кўлини дуога очган деҳқонларимиз кетмонини олиб ризқи-рўзимиз бўлган ер бағрини юмшатишга чоғланади. Далаларда, боғлар ва қир-адирларда иш қизийди, новдалар бошини эгиб, куртак очди, салқин шабодалар майин наво бўлиб таралади. Баҳорнинг шуқули ва хуш насимлар ифори уфуриб турган кўккам палласида табият барча гўзаллиқни ўзига мужассамлаштириб олгандай таассурот қолдиради. Кўккам ойининг, нафис манзараси яшил майсалар дилимизга ажиб бир хушнудлик бахш этади. Қушларнинг чуғур-чуғури, бинафша-ю ялпизларнинг хушбўй ифори олами тутуди. Кўккам ойининг илк дарақчиси бўлиш бодом оппоқ бўлиб гуллабди. Айвон тоқидида уяга қалдиригочлар яна қайтиб келади.

Баҳор фасли миллий анъаналаримизни улуглаб, урф-одатларимизни ардоқлаб, хайр-саховат, эзгулик ва орзу ниятларни бағрига жамлаб, энг гўзал байрамларни ҳам ўзига эргаштириб келади. Бутун дунёда нишонланганидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, миллий қадриятларимизни тимсоли бўлган Наврўзи олам шуқули қалбларга кўтаринки кайфият бағишлайди.

Кўккам ойдада табият бор бўй бабини, кўрку жомолини гуллар ифорида, куртак очаятган ўсимликлар тимсолида, варрак учираётган болажон-

ларнинг ва сочларига сочпоқудан жамалак тақаётган қизалоқларнинг шодон қийриқлари-ю, беғубор кулгуларида оқс этади.

Дилларга беғубор ҳис-туйғуларни инъом этиб кириб келаётган фасли навбаҳор нафаси кўнгилларга завқ, дилларга қувонч, оқсоғишта кунлар учун қалбларда беадад шукроналик туйғуларини уйғотади.

Баҳор ўз қадамларида юртимизга тинчлик, фаровонлик, дастурхонимизга қут-барақа, тўкинлик, кўнгилларга эса меҳру мурувват ва хайру саховатни эргаштириб келади. Фаслларнинг келинчаги бўлган баҳоройнинг ўз гашти ва таровати кулоқларга шивирлаб айтадиган, юракларни энтиктирадиган, гуллардан-да нафис туйғуларга ҳамоҳанг мафтункор, беқиёс сир-синоати бор.

Хуш келибсан ўлкамга баҳор! Қадамларинг қутлуг келсин! Жаннатмакон она юртимиз янада яшнасин, тараққий этсин, бағринг гулларга, борлигинг хушбўй ифоруларга, омборларинг деҳқон ҳосилига тўлиб борлиқни яшнатаверсин.

Осмонимизда тинчлик кабуларлари учиб, заминимиз узра дилга ором бағишлаган муҳаббат, садоқат ва дўстлик наволари, назмлари янграйверсин. Ҳаётимиз фароғатли ва саодатли кунларга эш бўлсин.

Салом гуллар элчиси гулрўй баҳорим,
Қутлуг қадамларинг муборак бўлсин.
Кўклардан кўк кийган, кўкломой фаслим,
Сен туфайли олам нурларга тўлсин...

(Ўз муҳбиримиз)

Ўзбекистон халқ шоири
Иқбол МИРЗО

Назм

ЎЙҒОНИШ ФАСЛИ

Наврўз шамоллари уйғотди элни,
Шивиллаб чақирди майсани, гулни.
Уйғониш фасли бу, фаслар асли,
Орзу ва умидга тўлдирди дилни!
Кўз очган куртақдан бошланар баҳор,
Уйғонган юракдан бошланар баҳор!

Сарҳадни тан олмас кўккам хуш ҳавоси,
Элатлар, миллатлар бирдек гул шайдоси.
Тароват фасли бу, саховат фасли,
Кўнгилни қитқилар жилғалар навоси.
Ҳалим, сумалақдан бошланар баҳор,
Авалло, юракдан бошланар баҳор!

Наврўзга ярашмас гиналар, аразлар,
Ҳаётнинг файзидир ҳамдам, ҳамнафаслар.
Оқибат фасли бу, муҳаббат фасли,
Навқирон қалбларда барқ урар хаваслар.
Чакан, гулдурдақдан бошланар баҳор,
Кўнгилдан, юракдан бошланар баҳор!

Мен сени қутлайман, онажон халқим!
Кўз тегмасин, дейман, онажон халқим!
Уйғониш фасли бу, улғайиш фасли!
Юксалиш тилайман, онажон халқим!
Мусаффо тилақдан бошланар баҳор,
Уйғонган юракдан бошланар баҳор!

Этиборли томони, юртимиз табияти бундай неъматларга жуда бой. Айни кўккам чоғида улар асосида турли егуликлар тайёрлаб истеъмол қилинади, киши организмнинг дармондориларга бўлган талаби қондирилади.

Қуйида шундай наботот намуналари, уларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумот берамиз.

Мафтункор чечак

Баҳор дарақчиси бинафша — серхосият ўсимлик. Унинг илдизи ва поясида турли малҳамлар тайёрланади.

Мисол учун, ўпка касалликлари, айниқса, изтиробли йўтал ҳамда кўйўтални даволашда ушбу чечак илдизи қайнатмаса қўлланилади. Шунингдек, у буйрак ва қовуқдаги тошлардан фориг бўлишга ҳам ёрдам беради.

Қайнатма қуйидагича тайёрланади: 2 гр. бинафша илдизи 200 гр. сувга солиниб, 15 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. У сузиб олиниб, 2-3 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Мазкур қайнатма ўпка эмфиземаси, бод ҳамда пешоб тутта олмаслик ҳолларини бартараф этишда ҳам самарали ҳисобланади. Муртақ безларни яллиғланган ёки гриппга чалинган кишилар ушбу қайнатма билан оғиз чайса, кифоя.

Бинафша гулбарги ва бандининг шарбатига 3 мисқол (1 мисқол — 4,25 гр.) шакар қўшиб истеъмол қилинса, сафродан халос этади, ичак фаолиятини яхшилаб, томоқнинг нохуш қичишига барҳам беради.

Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Келганингни сезмай қолибман.
Сен оламга сочганда ифор,
Хазон бўйин ёдга олибман.

Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Пайқамабман насмларингни.
Юрагимга осганман қатор —
Аёз бобо расмларини.

Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Қалдирғочлар гина қилмасин.
Чучмомалар чекмасин озор —
Менинг лоқайдлигим билмасин.

Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Кийин бўлди, кийин англадим.
Мен қутула олмайман куздан,
Ташлаб кетган мени рангларим.

Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Бангидайин қарахт, кўр эдим.
Новдадаги гуллиди ё қор,
Англадим, дардим зўр эди.

Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Бездим, бездим кўнгли музлардан.
Баҳор, мендан ранжима, баҳор,
Баҳор, мени асра қулардан.

Воҳид ЛУҚМОН

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

Ўзбек пазаңдачилиги ошқўк ва зирворлар кўп ишлатилиши билан ҳам шухрат қозонган. Чунки улар таомларни лаззатли, тўйимли қилибгина қолмасдан, хўрандаларга қувват ҳамда шифо бахш этади.

Шафтоли гулидан...

Шафтоли гулидан тайёрланган чучварани еганмисиз? Бунинг учун шафтоли гуллари териб олиниб, ювилади, қиймаланган гўшт ёки думба ёғига аралаштирилиб, чучвара тугилади. Сўнгра сувда-пишириб олинади. Тайёр бўлган таом қатиқ ёки қаймоқ билан дастурхонга тортилади.

Мазкур чучвара нафақат мазали, балки шифобахш ҳамдир.

У организмга осонгина сингиб, ошқозон-ичак йўлини раволаштиради. Сурункали қабзиятдан халос этади.

Тенги йўқ малҳам

Асаби тез бузиладиган, жиззаки кишилар баҳор неъматини — каръафс (сельдерей) кўкатида кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бунинг учун ўсимлик илдизи шарбатига тенг микдорда асал қўшилиб, кунига чой қошиқда 5 маҳал ичиб турилса, асаб тизимлари фаолиятини маромига келтирилади.



БАҲОР КЕЛДИ СИЗНИ СЎРОҚЛАБ...

Аслида Яратган эгам бандасига ҳадя қилган фаслларнинг ҳам, ой, кунларнинг ҳам ёмони бўлмайди. Лекин барибир баҳор фасли ўзгача. Кўнгил баҳорга талпинаверади.

Ариқ лабларида сарғимтир, яшил майсалар аро титранибгина бош кўтариб келаятган гунафшани, ҳатто у бир дон бўлсам, сезамиз. Бор бўйимиз билан эгилиб омонлик тилаймиз. Уни гоҳ марварид, гоҳ дурга қиёслайверамиз. Биз, ижодкор аёллар учун баҳорга кўркамлик бахш этувчи яна бир ҳодиса бор — бу фаслнинг илк кунини устозимиз Зулфияхонимнинг туғилган кунини сифатида хотирлаймиз.

— Эсингиздами Зулфия опамнинг етмиш йиллик юбилейида...

— Устоз саксонга кирганида мана бундай воқеа рўй берган эди...

Хотиралар хотираларини бошлаб келаятди. Эслайверамиз, эслайверамиз... Эсдаликлар аро Зулфияхонимнинг нурли, покиза чехраси қалқиб чиқаверади. Калбимизга яна ўша “Мана бундай десак, опанимиз дер экан? Мана бу ишимизга устоз қандай баҳо бера экан?” тарзидаги саволлар қайтиб келгандай бўлади. Ҳа, ростдан бизда шундай туйғу бўлган. Биз бу туйғудан сиқилмасдик, ўзимизни қирғоқлар орасида оқётган сувларга қиёсламасдик. Чунки биз уларнинг меҳр кўргониди ҳимояланган эдик, бу кўргонда ўзимизни эркин, ишончли ҳис этадик. Дўх келишимиз мўкин бўлган ҳаёт мураккабликларида унча чўчийвермасдик. Чунки устоз ўзларини биз учун жавобгар, масъул ҳис қилар эди. Уларга бу вазифа биров томонидан юклатилмаган. Хен ким Зулфияхонимдан биз борамизга ҳисоб сўрамаган. “Нечта қизингизнинг қандай қийинчиликлари чоп этилди? Қайси бири кимга турмушга чиқди? Давраларда ўзини тутиши, юриш-туриши қандай?” деган сўроқлар бўлмаган. Зулфияхонимнинг она юраги ўз амри билан қилган бу ишларни, ўз ихтиёри билан бизнинг ташвишимизни гарданларига олган.

“...Зулфия опамлар патнисга уйиб қўйилган гул япроқчаларидан бир сиким олиб бошим узра сочдилар... Биз учун ажратилган жойга бориб ўтиргунимизга қадар гул ёғири тингани йўқ... Тўйдан кейин қизлар айтишди: Зулфия опамлар қуёв наварлар ташрифи олдиндан дугоналаримни йиғиб, икки чиройли патнисга қизил, оқ, пушти гуллар япроқларини саралаб тайёрлаб қўйишни илтимос қилибди. “Бу кун ёшларнинг ҳеч қачон эсидан чиқмайдиган кун бўлсин” деган экан”. Бу ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Раҳима Шомансурова хотираларидан.

“...Машаққатли кўнларимда доим Зулфия опамнинг меҳри қўлларини ҳис қилганам. 1969 йилининг ёзида оғир касал бўлдим. Ўзимга келгач, шифокор Людмила Шиманская сўраб қолди.

— Зулфиянинг қариндошимисиз?

— Йўқ, шогирди бўламан.

— Устознинг бундай жонкуярлигини кам кўрганман. Устозингизнинг меҳри ҳақи омон қолдингиз...”. Бу Ўзбекистон халқ шо-

ири Ойдин Хожиевнинг хотираларидан. “Зулфия опа жуда масъулият билан ишларди. Ҳаттоки бетоб бўлиб қолсалар ҳам “Саодат”да босиш учун тайёрланган ҳамма материалларни ўзлари қўриқдилар. Қўриганда ҳам, нафақат маъноси, мақсади, стилистикасига эътибор берадилар, балким ҳар бир сўзнинг нечоғли ўрнига тушган-тушмаганини бир эшитганда илгардилар”. Бу Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мухтарова Улугова хотираларидан.

Хотиралар, хотиралар... Кимдир “Саодат” журнали тахририятида ишлаган Шура исмли аёлнинг туғилиши унинг қолганини қўриб, унга туғилган кун мўносибати билан туғли соғва қилганини эсласа, яна биров қайнонаси Комилла бўви ўғли вафотидан сўнг Жиззага кетмоқчи бўлганида “Биз қарандаш ашасак, сиз ҳам ўша ерда яшайсиз” дея олиб қолганини, фақат онасига гамхўрлик кўрсатиб қолмай, ўка-сингилларига ҳам келинкойиллик эмас, опалик қилганини аслаганда ҳам устознинг сўрати ва сийрати тасаввуримизда бир бутун, яхлит ҳолда намоён бўлади. Демок-чизмики, бу эсдаликларда опанинг олижа-ноблиги, қалби бутунча кўринади, қўяди.

Фақатгина “Опа” деган атаманинг ўзинигина олиб қарайлик. Ўтган асрнинг 60-90-йилларида бизнинг юртимизда “Опа” деб гапирилса, фақат Зулфия опа тушу-ниб, бир миллат учун “Опа”лик макомига кўтарилиш учун устоз қанча меҳр-муҳаббат, қанча бедорлиқ беоримликлар сарфлади экан! Эҳтимол, ўзлари ҳеч қачон бу ҳақда гапирмагандилар. Чунки устоз “ман-ман” дея кўксига уришни ёқтирмасди.

Шоирнинг рангини сарик қилган, бошига оғриқ бўлиб кирган дардлар, доим тинмас қарвон бўлишга масъул қилган сабаблар орасида биз ҳам борлигимиз аниқ. Шоир бўлиб, аёл бўлиб уларга доим қувонч бағишламаганимиз-ку, ахир... Лекин улар бизни бор-боримизча қабул қилган, бор-боримизча устоз макомиди туриб яхшиликлар қилмагандилар.

Зулфияхонимдай ҳар баҳорда сўроқла-нишнинг асосий сабабларидан бири уларнинг ҳаётлари давомида аёл, шоира, она сифатига миллатимиз учун қадри бўлган қадриятларга ҳеч қачон оёқ босмаганлари бўлса, яна бир сабаби устоз макомидидаги баргиреклиги, фидойилигидир.

...Яна баҳор келяпти. Устознинг сўзлари, ўзлари ёдланаяпти. Миннатдорликлар, ташаккурлар, хаваслар ва тазарулар билан. Токи халқ бор экан, покиза аёллик, жонфидо устозлик қадрлар экан, Зулфияхоним шундай соғинч билан эслана-веради.

Қутлибека РАХИМБЕКОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ МУАММОЛАР ЎРТАНИЛДИ

“Ўзғойсановат” уюшмаси таркибидаги “Олимхон Шухратхон файз” корхонасида ёғ-мой саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси депутаты, уюшманинг масъул ходимлари, корхона ишчи-хизматчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда асосий эътибор мамлакатимизда ёғ-мой саноатини ҳар томонлама ривожлантириш, тизим корхоналарини янги замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, соҳада ягона сиёсат юритилишини таъминлаш борасидаги масалаларга қаратилди.

Президентимизнинг 2019 йил 16 январдаги “Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан моили хомашёларни қайта ишлаш, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни ягона комплексга бирлаштириш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Натижада ички бозорни сифатли, нарх бўйича рақобатдош ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш, ёғ-мой соҳасида фаол инвестиция сиёсатини юритиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишларини тизимли амалга оширишга эришилмоқда.

Давра суҳбатида “Ўзғойсановат” уюшмаси томонидан ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берилди. Жумладан, уюшмага аъзо корхоналар сони 2019 йилнинг 1 мартда 30 тани ташкил қилган бўлса, бугунга келиб улар 80 тага етказилди. Корхоналар томонидан 60 турдаги ва 200 дан ортиқ турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди.

Уюшма томонидан ноъанавий моили хомашёлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кичик мой ишлаб чиқариш модули цехи лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳага асосан яратилган модуль цехи контейнерга жойлаштирилган бўлиб, кичик ҳажмдаги моили хомашёлари қайта ишлаш имконини яратди. Ҳисоботчи қўриқларга кўра, ушбу тизим бир ойда тўлиқ қувват билан ишлаганда ўртача 15-20 миллион сўмдан ортиқроқ соф фойда олиш имконияти мавжуд. Хозирги кунда 4 та ана шундай технологик тизим Афғонистонга экспорт қилинди. Келгусида ана шундай модуль цехлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга етказиб берилиши кўзда тутилмоқда.

Уюшма томонидан жорий йил якунига қадар 3 триллион 20 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши белгиланган. Унинг экспорти ҳажми 15 миллион долларга етказилди. Инвестиция дастури доирасида 10 лойиҳа бўйича 27,6 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилди. Бу борада ўтган йилга нисбатан қарий 2 баравар ўсишга эришилди. Натижада импорт ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматга эга бўлган, йилига 10 минг тонна ўсимлик мой ишлаб чиқариш, сизими 10 минг тонналик замонавий моили хомашё сақлаш омборини барпо этиш лойиҳалари амалга оширилди. Ўзлаштириладиган инвестиция ҳажмининг 7 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этади.

Тадбирда мутахассислар томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш борасида учраётган муаммоларга алоҳида тўхталиб, бир қатор тақлифлар айтилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган қўндалик эҳтиёжи 400 минг тоннадан ортиқни ташкил этаётган бўлиб, лекин биз 200 минг тонна ишлаб чиқарамиз, — дейди “Ўзғойсановат” уюшмаси бошқарма бошлиғи Камар Серкаев. — Қолгани хориждан, асосан, Россиядан импорт қилинади. Ишлаб чиқариш қувватларимиз яхши бўлишига қарамай хомашё базаси чегараланган. Уни бартараф этиш борасида сўнгги йилларда ҳудудларда моили ўсимликларни етиштириш кенгайтирилмоқда. 2019 йилда 51 минг гектар ерга шу турдаги экинлар экилган бўлиб, 2020 йилда бу кўрсаткични 85 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Бироқ бу билан муаммони ечиб бўлмайди. Агар биз четдан тайёр маҳсулот ўрнига қайта ишловчи хомашё келтиришга кенг имконият яратсак, маҳаллий корхоналар фаолияти янада ривожланади.

Қайд этилганидек, четдан келтирилган хомашёни қайта ишлаш орқали аҳоли истеъмоли учун сифатли ва хавфсиз ёғ-мой маҳсулотлари, чорвачилик учун ем ишлаб чиқаришга эришилади. Бунинг натижасида гўшт ва сутнинг нархи ҳам арзонлашади.

Давра суҳбатида депутатлар томонидан соҳадаги қайта ишлаш орқали аҳоли истеъмоли учун сифатли ва хавфсиз ёғ-мой маҳсулотларни тизимли равишда ўрганиб, тегишли қарор қабул қилинадиган бўлди.



ФИЛАРМОНИЯ ФАОЛИЯТИДА ИСЛОҲОТЛАР БОШЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон давлат филармониясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва филолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур соҳа вакиллари зиммасига тегишли вазифаларни қўймоқда.

Уларнинг ижроси қай тарзда амалга оширилмоқда? Ўзбекистон давлат филармониясининг виллоят худудий бўлинмалари раҳбарлари иштирокидаги ҳайбат мажлиси шу масалага бағишланди.

Ўзбекистон давлат филармониясининг худудий бўлинмалари ранг-баранг концертлар, муסיкий дастурларни халқимизга тақдим этиб келади. Лекин ҳали қилинажак ишлар кўп. Филармонияда мингдан ортиқ ижодий ходимлар меҳнат қилаётган бўлса-да, амалга оширилган ишлар ижтимоий тармоқларда етарлича тарғиб қилинмаётган.

Жорий йилда худудий бўлинмалар томонидан Тошкент шаҳридаги “Туркистон” саройида ҳисобот концертларини намойиш этиш режа бўйича амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар Тошкент, Андижон, Сирдарё, Жиззах,

Бухоро виллоятлари бўлинмалари томонидан мавсумий ҳисобот концерти юқори савияда ўтказилди. Жорий йилнинг 25 февраль кунин Навоий виллояти бўлинмасининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Март ойида байрамларга тайёргарлик қўриш ва юқори савияда ташкил этиш юзасидан бир қанча тавсиялар билдирилди. Хонанда, созанда ва раққослар ижро маҳоратини ошириш, аҳолига янги куй ва қўшиқлар тақдим этиш, виллоятларда филолият кўрсатаётган ёш иқтидорли санъаткорларни танлаб, асосий байрам тадбирларига жалб этиш юзасидан керакли масlahатлар берилди.

Филармониянинг иш режалари ишлаб чиқилди. Шу йилдан бошлаб виллоятдаги ижодий жамоалар қўшни виллоятлар ва чекка худудларда концерт дастурини намойиш этиш орқали ўзаро тажриба

алмашиш, янги репертуарлар устида ижодий изланишлар олиб бориш каби масалалар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур акция аҳоли ўртасида беғараз донорлик тизимини ривожлантириш, ёшларда олижаноблик ва бағрикенглик туйғуларини шакллантириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 4 февралдаги миллий рақс санъатини янада ривожлантиришга доир қарорлари атрофича муҳокама қилинди. Унда белгиланган вазифалар, жумладан, миллий байрам тадбирларига рақс санъатида орган ташкил этиш, виллоятларда филолият кўрсатаётган ёш иқтидорли санъаткорларни танлаб, асосий байрам тадбирларига жалб этиш юзасидан керакли масlahатлар берилди.

Филармониянинг иш режалари ишлаб чиқилди. Шу йилдан бошлаб виллоятдаги ижодий жамоалар қўшни виллоятлар ва чекка худудларда концерт дастурини намойиш этиш орқали ўзаро тажриба

Акция

БЕҒАРАЗ КЎМАК

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган “Эзгулик албатта қайтади!” шиори остидаги хайрия қон топшириш акцияси пойтахтимиздаги Республика қон қуйиш маркази ҳамда мамлакатимизнинг марказий тиббиёт бирилашларида ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий гвардия, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур акция аҳоли ўртасида беғараз донорлик тизимини ривожлантириш, ёшларда олижаноблик ва бағрикенглик туйғуларини шакллантириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам беғараз донорлик ва уни ривожлантиришга алоҳида ургу берилган эди.

Шу ўринда қимлар қон топшириши мумкин, деган ҳақли савол туғилади. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, вазни 50 килограммдан юқори ҳар бир шахс қон топшириши мумкин. Йилгача ҳар бир шахс 4 марта қон топширсин бўлади.

Биз ҳам беморларга ёрдам бериш мақсадида ушбу акцияда фаол қатнашиб, қон топширдик, — деди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Маърифат маркази катта инспектори, майор Шерзод Қодиров. — Бе-

ғараз ёрдамимиз кимнингдир соғлигини сақлашга, ҳаётини узайтиришга кўмак беришига ишонамиз. Киши учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

Мазкур акция доирасида топширилган қон препаратлари мамлакатимиздаги Онкология ва гематология марказларида даволанаётган бемор болалар учун беғараз ажратилиши кўзда тутилган.

Бу каби хайрия акциялари ёшларимизда инсонпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш, уларни ўзгалар тақдирига нисбатан масъулият руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, бемор болалар ва уларнинг оилаларига далда бўлади, — деди Республика қон қуйиш маркази бўлим бошлиғи Зулфия Исмоилова. — Умуман олганда, донорлик ҳар қандай инсон қилиши мумкин бўлган оддий, лекин олий қаҳрамонликдир. Қон донорлиги — жамият саломатлиги учун берилиши мумкин бўлган беғараз ёрдам. Бу яхшилик, албатта, бир кун қайтади.

Республика қон қуйиш марказида икки кун ичида 200 нафардан ортиқ қўнгилли донор қон топширган.

Хуршид КОДИРОВ

Президентимиз ташаббуси билан жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса хотин-қизлар, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва мамлакатимиз тараққиётига тўсиқ бўлиб турган энг хавфли иллат бўлиши — коррупциянинг олдини олиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ҳар бир раҳбарнинг кунлик эътиборида бўлишга қатъий уқтириб ўтилди.

Тошкент давлат педагогика университети раҳбарлари ва талабалари билан бўлиб ўтган учрашувда коррупцияга қарши кураш, унинг оқибатлари хусусида сўз юритилди. Дастлаб иштирокчилар учун махсус видеоролик намойиш этилди. Талабаларга мавзу юзасидан кенгрок тушунириш берилди.

Маълумки, 2017 йил 3 январь кунин “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Президентимиз Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши курашиш бутун жамият иши эканини таъкидлади, қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши қатъий курашиш бўйича муҳим тақдирларни илгари сурди:

“Ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни:

- қонун устуворлигини таъминлаш;
- коррупцияга қарши қатъий курашиш;
- институционал салоҳиятни юксалтириш;
- кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “халоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”, “Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтчимиз керак” деб таъкидлаб ўтдилар.

Ушбу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши тақдир этилди.

Биласизки, ҳар бир давлат, ҳар қандай жамият қонунлар орқали бошқарилади ва тараққиётга эришади. Аслида

Жамоатчилик, айниқса маҳалла аҳли, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, фуқаролар билан бўладиган очиқ мулоқотларда коррупция-порахўрлик иллатининг зарари оқибатларини тушунириб, тарғибот ишларини амалга оширишда тизимли дастурлар қабул қилиш, унда қонунларни ҳурмат қилиш, акс ҳолда жазо муқаррар эканигини тушунириш лозим.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАВЗУСИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ

қонунлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, қўқитиш ёки таҳликада ушлаш учун эмас, балки уларга ёрдам бериш, ахлоқон тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун яратилишини барча фуқаролар ким бўлишдан, қайси лавозимда ишлашдан қатъий назар қонунларни чуқур англаб етиши ва ҳурмат қилиши, уларга итоат этиши шартлигини тарғибот қилиб бориш лозим.

Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунни бузишдан қўрқадди. Биз қонунларнинг матнини, яъни меъёрларини фақатгина ёдлаб олибгина қолмасдан, уларнинг туб моҳиятини чуқур тушунишимиз, ва энг асосийси, ҳар бир ҳолатда қонунни қурол қилиб, уни тўғри қўллай олишимиз даркор. Қадимги рим файласуфи Цицерон “Эркин бўлишни хоҳласанг, қонуннинг қўлига айлан” деб бежизга айтмаган, ахир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекс 210-моддаси (пора олиш), 211-моддаси (пора бериш) ва 212-моддаси — пора олиш-беришда воситачилик қилган учун қонуннинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этгани учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш, 2-қисмида ўз йилгача озодликдан маҳрум қилиш, 3-қисмида ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Эътибор берган бўлсангиз пора олиш, бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилгани учун қонунда бир хил жазо назарда тутилган.

Агар жиноятчилик аҳолига чуқурроқ назар ташласак, жиноятни аксарият ҳолларда дунёқароши паст, маънавияти заиф, маданият ва маърифатдан узок, ақли бўлсада, фаросатда нўноқ, қорни тўқ бўлсада, қўзи оч шахслар содир этганини кўрамиз, бу ҳаёт ҳақиқати.

Маънавияти юксак, иродаси мустаҳ-

кам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавият бўлиш воситаларидан энг мақбули — китобхонлик. Кимки, китобни кўп муролаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қўлоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Халоллик, поклик унинг ҳаётий шиорига айланади. Асло адолатсизликка қўл урмайди.

Ўз манфаати деб, нафсини жиловлай олмаган айрим шахсларнинг ачинарли аҳволга тушиб, жамиятда шарманда бўлаётганлиги, уларнинг оила аъзолари, айниқса, шириндан-шакар фарзандлари қўни-қўшни ва маҳалла аҳли ўртасида қандай аҳволга тушаётганларини тасаввур қилинг...

Буюк боболаримизнинг адолат, халоллик, поклик ва ҳақиқат ҳақидаги бебаҳо битикларини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Бутун умри давомида адолатни ўзининг энг асосий ҳаётий шиори деб билган бобокалонимиз — Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз васиятида “Уғилларим адолат ва эзгулик қилмоқ доимий дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин” дея бежиз айтмаган.

Шеърят султони Алишер Навоий бобомиз таъбири билан айтганда: “Инсон ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масалалардан бири бу — адолат, халқнинг миллий ҳаётига эътибор, давлатчилик сиёсати, халқ бошқарувининг барчаси адолат заминидан бўлиб этилади”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг барча учун хозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бебаҳо сатрларидан бирини келтирмоқчиман: “Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидир! Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидир! Яхши кимки кўрмаган ёмонлик ҳаргиз, Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топгусидир”.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаётда халол меҳнат, халқи, Ватанига фидойи бўлиш, камтаринлиқни одат қилиш, ҳаётга ҳавас билан қарашни бирор-бир моддий бойлик билан алмаштириш мумкин эмаслигини ҳам англаб етишимиз шарт экан.

Абдулло МҲИДИНОВ,
Чилонзор тумани маъмурий судининг раиси

“ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР” ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК МУСОБАҚАСИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида “Ёш чегарачилар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг 2020 йилдаги мавсумини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва виллоятларда ўтказилган саралаш босқичларида голибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичига етиб келган 13 жамоа аъзоларини кўтиб олиш, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёхатга олиб чиқиш, мусобақа голиблари, уларнинг мураббийларини муносиб рағбатлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда ДХХ чегара қўшинлари масъул офицери, майор А.Мамуров сўнгги йилларда бу борада олиб борилаётган ишлар, эришилган натижалар хусусида маълумот берди.

2011–2019 йиллар давомида ўтказилган мазкур мусобақанинг саралаш босқичларига юртимизнинг барча чегара худудларидаги таълим муассасаларидан 28 минг 530 ўқувчи жалб этилган. 2015 йилдан бошлаб, тегишли кўрсатма асосида мусобақа низомига уч босқичдан иборат “Ҳарбийлаштирилган спорт мусобақалари” шартин жорий қилиш, 2016 йилги мавсумда “Ёш чегарачилар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг рамзий байроғи тайёрланди.

Мақсад ёш авлоддан ДХХ Чегара қўшинлари сафига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, уларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчага садоқат руҳида тарбиялаш, чегара худудларидаги уюшмаган ёшларни бирлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат. Бу йил мусобақанинг мамлакат босқичи Тошкент виллояти Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида ўтказилди. Унда жамоалар бир қатор шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Йиғилиш иштирокчилари мазкур жараёнларни кўтаринки руҳда ташкил этиш мақсадида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди. Жумладан, барча босқичлар учун тажрибали ҳакамларни жалб этиш, жамоаларнинг махсус либосда қатнашишини таъминлаш ва голибларни тизимли равишда рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, белгиланган шартларни қизқарли ўтказиш ва тест саволларини янада мукамал тузишга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири

Реклама ва эълонлар

Садикова Илмира Турсинбай қизига тегишли Яқкасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 28-уй, 4-хонадоннинг кадастр рақами 10:05:02:03:05:0001:004-сонли бўлган 30.10.2018 йилдаги 2-4078-сонли олдми қўрсатма асосида тузилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ELEGANT STOM” МЧЖ устав капиталини 48 294 500 сўмга камайтиришга қарашли бўлиб қўлади. Кредиторларнинг талаблари 30 кун давомида Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза (Қодирова) кўчаси, 3-уй, 1-хонадон манзилида қабул қилинади. Телефон: (90) 127-53-08.

Тошкент шаҳар 1-республика тиббиёт коллежи томонидан 2018 йилда Abdug'afarova Maftuna Abdusamad qizi номига берилган К № 5326949 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзил: Матбуотчилик кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 29 февраль кунин ҳаво ўзаариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ

— 1 даража илқ, кундузи — 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 29 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: (0-371) 233-28-95; Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқичмасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки “Тошкент почтати”га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишимиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г-246

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1100 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.35